

**ИСЛОМ КАРИМОВ** номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ** номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
УНИТАР КОРХОНАСИ**

**Махкамов Дилшод Исматиллаевич**

**Органоминерал компонентларни механик-кимёвий  
модификациялаш йўли билан йўл қоламалари учун деформацион-  
силжишга бардошли композицион асфальтбетон материалларни ишлаб  
чиқиш**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва  
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2017**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам  
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Махкамов Дилшод Исматиллаевич**

Органоминерал компонентларни механик-кимёвий модификациялаш йўли билан йўл қопламалари учун деформацион-силжишга бардошли композицион асфальтбетон материалларни ишлаб чиқиш.. 5

**Махкамов Дилшод Исматиллаевич**

Разработка деформационно-сдвигоустойчивых композиционных асфальтобетонных материалов для покрытий дорог путем механо-химической модификации органоминеральных компонентов..... 23

**Makhkamov Dilshod Ismatillaevich**

The development of deformation-shear-resistant composite materials to cover roads by a mechano-chemical modification of organomineral components ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ИСЛОМ КАРИМОВ** номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ** номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
УНИТАР КОРХОНАСИ**

**МАХКАМОВ ДИЛШОД ИСМАТИЛЛАЕВИЧ**

**ОРГАНОМИНЕРАЛ КОМПОНЕНТЛАРНИ МЕХАНИК-  
КИМЁВИЙ МОДИФИКАЦИЯЛАШ ЙЎЛИ БИЛАН ЙЎЛ  
ҚОПЛАМАЛАРИ УЧУН ДЕФОРМАЦИОН-СИЛЖИШГА БАРДОШЛИ  
КОМПОЗИЦИОН АСФАЛЬТБЕТОН МАТЕРИАЛЛАРНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва  
технологияси**  
**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/T150 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети “Фан ва тараққиёт” ДУКда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.gupft.uz](http://www.gupft.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абед Нодира Сойибжоновна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рискулов Алимжон Ахмеджанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ибодуллаев Ахмаджон Собирович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация ҳимояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети “Фан ва тараққиёт” ДУК ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: [gupft@inbox.uz](mailto:gupft@inbox.uz) “Фан ва тараққиёт” ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан “Фан ва тараққиёт” ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (2-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № 2 рақамли реестр баённомаси).

**С.С. Негматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзР ФА академиги, т.ф.д., профессор

**М.Ғ. Бабаханова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

**Н.Толипов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунё миқёсида автомобил йўлларига эътибор қаратилган бўлиб, бу йўллар орқали 90% халқ хўжалиги юклари ҳамда барча турдаги транспортларда ташиладиган йўловчилар ҳажмининг 95% дан кўпроғи манзилларига етказилади. Шунинг учун йўлларнинг сифатини оширадиган ва техник ҳолатини яхшилайдиган замонавий талабларга жавоб берадиган ҳамда инновацион технологияларнинг истиқболли ривожланишини белгиловчи деформацион-, силжиш- ва ёриқларга бардошли бўлган композицион материалларни яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришганидан буён автомобил йўллари ҳолатини яхшилаш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, юқори сифатли асфальтбетон қопламалар олишга эришилди. Қайд этиш керакки, республикамизда хомашё ресурслари етарли бўлганига қарамай деформацион-силжишга бардошли асфальтбетон материаллар олиш бугунги кун талабига тегишли равишда жавоб бермайди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратишга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада жумладан, органоминерал компонентларни механик-кимёвий модификациялаш йўли билан йўл қопламалари учун деформацион-силжишга бардошли композицион асфальтбетон материалларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этиб, асосий йўлланма бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳонда деформацион-ёриқлар ҳамда деформацион-силжишларга бардошли бўлган асфальтбетон композицияларни комплекс равишда физик-кимёвий модификациялаш ҳисобига аэродромлар, кўприклар ва автомобил йўлларини яроқлилиқ муддатини ва улардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида органоминерал ингредиентлардан автомобил йўл қопламалари учун мўлжалланган деформацион-силжишга ва ёрилишга бардошли асфальтбетон материалларни олиш муаммоларини ҳал этиш зарур ва долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ва қарорлари, 2017 йил 14 февралдаги 4954-сонли «Йўл хўжалиги бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи ҳамда 2017 йил 14 февралдаги «2017-2020 йилларда ҳудудий автомобил йўлларини янада ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Полимерли ва полимербетонли композицион материалларни янги турларини ишлаб чиқиш ва улар асосида асфальтбетон қопламаларини яратиш бўйича А.Наyashi, S.Hulemand, R. Morgen, A.D.Amore, D.Jully, G.Akovali, Н.С. Ениколопов, С.Н. Журков, В.В. Коршак, А.А. Берлин, М.С. Акутин, Ю.С.Липатов, Ф.Мэттьюз, С.Ш. Рашидова, С.С. Негматов, М.А.Аскарлов, Ж.Х.Халиков, А.Х. Юсупбеков, А. Kumar, М.М. Perlman, В. Arkes, S. Geracaris, R. Goudhue, А.А. Askadski, А.И. Свиреденок, М.И. Петроковец, А.Д.Яковлев, В.Г. Савкин, А.В. Струк, В.П. Соломко, А.А. Рискулов, А.С. Ибодуллаев, Л.Н. Облакулов, Б.Б. Собиров, Р.Х. Солиев каби олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Мавжуд ишлар таҳлилига кўра, арзон ва етарли бўлган маҳаллий органоминерал компонентларни ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларини механокимёвий модификациялаш усули билан йўл қопламалари учун самарали деформацион-силжишга бардошли композицион асфальтбетон материалларини яратиш масалалари амалда ҳал қилинмаган. Бу эса йўлларда қўлланилаётган мавжуд асфальтбетон қопламаларнинг адгезион мустаҳкамлигини, ейилишбардошлигини, сувдан ҳимояланишини, иссиқликбардошлигини, деформацион ёрилишбардошлигини оширишга, йўл, кўприк ва аэродромлар қопламаларини емирилиши ва ёриқлар ҳосил бўлишини камайтиришга қаратилган тадқиқотлар етарли эмаслиги билан изоҳланиб, ушбу диссертация ишининг ҳам мазмуни шунга бағишланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети хузуридаги «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ИТД-5-003 «Маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида асфальтбетон йўлларни таъмирлаш учун иссиқлик ва ейилишга чидамли, импорт ўрнини боса оладиган композицион полимер материаллар технологиясини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш» (2009-2010 йиллар); И-2011-5-4 «Турли хил ишлаб чиқариш саноати соҳаларида қўллаш учун кукунсимон композицион материалларни ишлаб чиқаришда госсипол смоланинг қўлланилиши» (2011-2012 йиллар); И-2014-7-2 «Йўл қурилиши ва таъмирланиши учун композицион мастика ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва ўзлаштириш» (2014-2015 йиллар); ИОТ-2015-7-17 «Йўл ишлари учун композицион органоминерал герметик материаллар олиш усуллари яратиш ва ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш» (2015-2016 йиллар); И-2015-7-16 «Йўл қурилишида композицион асфальтбетонларнинг қўлланилиши, тайёрлаш технологияларини яратиш ва ўзлаштириш» (2015-2016 йиллар) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** органоминарал компонентларни механик-кимёвий модификациялаш йўли билан йўл қопламалари учун деформацион-силжишга бардошли композицион асфальтбетон материалларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

деформацион-силжишга бардошли композицион асфальтбетон материалларни олиш учун маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида танлаб олинган органоминарал ингредиентларнинг физик-кимёвий ва мустаҳкамлик хоссаларининг ва композициялар таркиби ҳамда технологик омилларга боғлиқ ҳолда тадқиқот объектларини танлашни илмий асослаш;

танланган органоминарал ингредиентларнинг физик-механик-кимёвий модификация усулларини танлаш;

физик-кимёвий ва механик-кимёвий модификацияланган органоминарал ингредиентлар асосида олинган композицион асфальтбетонли материалларнинг хоссаларини ўрганиш;

органоминерал ингредиентлар нисбатлари, таркиби, тузилиши ва турига боғлиқ равишда ишлаб чиқиладиган деформацион-силжишга бардошли композицион асфальтбетон материалларнинг физик-механик хоссаларини шаклланишидаги қонуниятларни аниқлаш;

автомобил йўллари, кўприклар ва аэродромлар йўлларига узок муддатли ва мустаҳкам қопламаларни иш фаолиятини оширувчи деформацион-силжишга бардошли композицион асфальтбетон материалларни самарали таркибларини ишлаб чиқиш;

йўл шароитларида ишлаб чиқилган композицион асфальтбетон материалларни ва улар асосидаги қопламаларни тажриба-амалиёт синовларини олиб бориш ва уларнинг тажриба партиясини ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда асфальтбетон йўллари қопламаларида уларни қўллашнинг техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** БНД60/90, БНД40/60 – битумлари, госсипол смоласи (ГС), модификацияланган кукунсимон госсипол смола (МКГС), кукун ҳолатига келтирилган механик фаоллашган табиий қум бўлиб, шунингдек, фурфурил спиртидан қолувчи куб қолдиқлари(ФСКҚ).

**Тадқиқотнинг предмети** автомобил йўллари учун қопламаларга ишлатиладиган маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида олинадиган физик-механик-кимёвий модификацияланган органоминарал ингредиентлар асосида деформацион-силжишга бардошли композицион асфальтбетон материаллар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда оптик микроскоп, рентгенструктура таҳлили, ИҚ-спектроскопия ҳамда дифференциал-термик анализ усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор иссиқ иқлим ва тоғли шароитларда қўллаш учун маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан органоминарал ингредиентларни танлаш ва уларни физик-механик–кимёвий модификациялаш орқали деформацион-силжишга

бардошлилиги, адгезия ва бошқа физик-кимёвий хоссалари яхшиланган асфальтбетон қопламаларни олиш мумкинлиги илмий асосланган;

табiiй қумларни дисмембратор қурилмасида зарбли-парчалаб-ишқалаш усули билан механофаоллаштириб нафақат майдаланган заррачаларнинг солиштирма юзасининг ортиши ҳисобига, балки заррачаларнинг молекуляр даражада қутбланиши гетероген дипол моментлар ҳосил бўлиши орқали кечадиган катион-фаол ва анион-фаол моддалар орасида кимёвий боғ ҳосил бўлишини келтириб чиқарувчи фаол заррачаларнинг кўпайишига олиб келиши аниқланган;

асфальтбетон композициянинг органоминарал компонентлари фазалараро чегарасидаги адгезиянинг ортиши ингредиентлар, сирт фаол моддалар (СФМ) ва битумларда молекуляраро ва адсорбцион даражада кечадиган физик-кимёвий жараёнларни яхшиланиши ҳисобига содир бўлиши асосланган;

органоминарал компонентлар орасидаги физик-кимёвий жараёнда дастлаб механик фаоллаштирилган бархан қумлари госсипол смоласи билан қопланади, ҳосил бўлган пленкага битум боғловчиси адсорбцияланиб, минерал ингредиентлар орасида водород боғларнинг ҳамда битумнинг мальтен фракциясидаги функционал группаларининг ҳосил бўлиши исботланган;

маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосидаги органоминарал ингредиентларнинг тузилиши, таркиби ва нисбатларига боғлиқ равишда композициянинг физик-механик хоссаларининг шаклланиши аниқланган;

ишлаб чиқилган композицион асфальтбетон материаллар ва улар асосидаги қопламалар юқори деформацион-силжишга ва ёриқларнинг ҳосил бўлишига бардошлилиги билан характерланиб, бу табiiй минерал қумларини механик фаоллаштириш, госсипол смоласи ва битумларни физик-кимёвий модификацияланиши натижасида органоминарал ингредиентларнинг адгезияси ортиши ҳисобига содир бўлиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

автомобил йўллари қоплаш учун маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида олинган органоминарал ингредиентлардан фойдаланиб деформацион-силжишга бардошли асфальтбетон композицион материалларнинг бир қатор маркалари Асб.КМ-1, Асб.КМ-2, Асб.КМ-3, Асб.КМ-4, Асб.КМ-5 ишлаб чиқилди;

маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан, арзон органик ва ноорганик ингредиентлардан фойдаланиш ҳисобига таннарни арзон бўлган янги композицион асфальтбетон материаллар яратилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган физик-кимёвий (ИҚ-спектроскопия, оптик микроскопия, рентгенузулиш, кимёвий ва дифференциал-термик таҳлиллар) ҳамда физикавий-механик синовлар (сиқилиш ва силжишда мустаҳкамлик даражаси, игнанинг ботиш чуқурлиги - пенитрация, бетон билан боғланиш мустаҳкамлилиги, сув ютиши) ва барча физик-механик усуллар билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти органик ва ноорганик ингредиентлар асосидаги асфальтбетон композицион материали компонентларининг нисбатига, микроструктурасига, кимёвий таркибига боғлиқ асосий физик-механик ва эксплуатацион хоссаларининг корреляцион боғлиқлиги қонуниятларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Натижада минерал ингредиентлар ва композиция таркибини мақбул механик фаоллаштиришни, юқори адгезион, физик-механик ва деформацион-силжишга бардошли хусусиятларини оширишда технологик режимлари таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти деформацион-силжишга бардошли мустаҳкам композицион асфальтбетон материаллар ишлаб чиқариш ва уларни иссиқ иқлим ва юқори тоғлиқ шароитларда фойдаланиладиган автомобил йўлларига қоплама сифатида қўлланилганлиги ва бу эса автомобил йўлларининг ишга яроқлилиқ муддатларини 1,3–1,5 мартаба ошириши билан белгиланди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий хомашёлар асосида йўлларни қоплаш учун композицион асфальтбетон материалларнинг самарали таркибини ишлаб чиқишдаги олинган натижалар асосида:

деформацион-силжишга ва ёрилишга бардошли битумли композициялар таркиби учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 04849, 2014). Натижада яратилган деформацион силжишга ва ёрилишга бардошли композициялар автомобил йўл қопламаларини хизмат муддати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради;

автомобил йўлларининг асфальтбетон қопламалари ёриқлари ва бетон қопламалари деформацион чокларини тўлдириш учун композицион зичловчи мастикалар олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 04848, 2014). Натижада, темир-бетон йўлларнинг деформацион чокларини ва асфальтобетон йўлларини ёриқлари мастикалар ёрдамида герметикланганда, уларнинг ишлаш қобилиятини 2,5-3 мартабага ошириш имконияти яратилади;

яратилган асфальтбетон материаллар Ўзбекистон Республикасининг автомобил йўллари бўйича Давлат Қўмитасининг «Фарғона йўллардан мунтазам фойдаланиш» Унитар корхонасига қарашли асфальтбетон заводида жорий этилган (Ўзбекистон Республикасининг автомобил йўллари бўйича Давлат Қўмитасининг «Фарғона йўллардан мунтазам фойдаланиш» УКнинг 25.07.2017 даги № 48-сонли хулосаси ва Ўзбекистон Республикаси автомобил йўллари Давлат Қўмитасининг 06. 11.2017й. № 05-3635 сонли маълумоти). Натижада ялпи иқтисодий самаранинг амалдаги миқдори 137 млн. сўмни ташкил этган (2017 йил).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та ҳалқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 9 таси илмий мақола бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацион комиссияси томонидан рухсат этилган республикамиздаги журналларда 7 та ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган, 2 та ихтиро учун патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Автомобил йўлларининг асфальтбетон қопламалари учун ишлатиладиган материаллар ва уларнинг деформацион-силжишга бардошли ҳамда узок муддатга хизмат қилишининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида асфальтбетон йўл қопламаларини деформацион-силжишга бардошлилигининг назарий ва амалий жиҳатлари ва уларни ишлаб чиқиш технологиясининг замонавий муаммолари бўйича, автомобил йўллари, кўприклар ва аэродромлар йўлларини қоплаш учун деформацион-силжишга бардошли асфальтбетон материаллари яратиш учун маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида фаоллаштирилмаган ва механик фаоллаштирилган органоминерал ингредиентлардан фойдаланиш имкониятлари ҳақидаги адабиётлар ва патент маълумотларининг таҳлили келтирилган.

Таҳлил этилган адабиётлар асосида йўл қопламаларини сифатини яхшилаш учун уларни модификациялашни методларини топишнинг янги асосини ташкил этган композицион асфальтбетон йўл қопламаларини физик-механик ва деформацион-силжишга бардошли хоссасини амалда яхшиловчи маҳаллий ва иккиламчи органоминерал механик-кимёвий фаоллаштирилган материалларни ва табиий кумларни ва айниқса чўл кумларини асфальтбетон композицияларда ишлатилиш имкониятлари бор эканлиги аниқланган. Бу эса мазкур вазифаларни ҳал қилишга илмий-техник ёндошувлар ва янгича принципларнинг йўқлиги билан белгиланади, айнан шу ҳолат ушбу тадқиқотнинг мақсадини белгилаб берди.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектини ва ўрганиш услубларини танлаш ҳамда илмий асослаш**» деб номланган иккинчи бобида тажриба тадқиқотларини ўтказиш учун объектлар танлаш баён қилинган ва асосланган, шунингдек, композицион асфальтбетонли материаллар ва улар

асосидаги йўллар учун қопламаларни деформацион-силжишга бардошли ва мустаҳкамлилиқ, физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш учун органоминарал ингредиентларни механик фаоллаштириш ва тажриба тадқиқот ишларини олиб бориш усуллари тақдим қилинган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосидаги механик-кимёвий модификацияланган органоминарал ингредиентларни ва улар асосидаги композицион асфальтбетон материалларни хоссаларини тадқиқ этиш**» деб номланган учинчи бобида маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида олинган органоминарал ингредиентларнинг физик-механик хоссалари ва микроструктурасини ўрганиш натижалари, минерал ингредиентларни механик фаоллаштириш усули ва қурилмаси ва уларнинг ишлаб чиқиладиган автомобил йўллари учун композицион асфальтбетон материалларнинг физик-механик ва деформацион-силжишга бардошли хоссаларига таъсири ўрганилган.

Танлаб олган органоминарал объектлар маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар ҳисобланади ва улар турли кўрсаткичларга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун тадқиқот объектини танлашда барча органоминарал ингредиентларнинг тузилишлари ва физик-кимёвий, физик-механик хоссалари тадқиқ қилинган.

Чўл қумлари кимёвий ва минералогик таркиби бўйича дарё қумларидан жойлашувига қараб умуман фарқ қилиши аниқланди. Амалий ва айниқса технологик нуқтаи назарга кўра табиий қумларнинг энг муҳим хоссаси уларнинг гранулавий таркиби, сочилувчан ва хақиқий зичлиги, солиштирма сирти ҳамда ғадир-будирлигидир.

Табиий қумларнинг 6 та кони: чирчиқ ва чинос (дарё), бўз, жамашуй, ёзьёвон ва янгиер (чўл) қумлари тадқиқ этилган бўлиб, улар ўзларининг табиати билан фарқ қиладилар.

Шуни таъкидлаш керакки, асфальтбетон қопламаларда ушбу табиий қумларни ишлатиш қовуштирувчи материалнинг (битум) кўп сарфланишига олиб келади ва асфальтбетон қопламанинг таннархини оширади, шунингдек, деформацион-силжишга бардошли каби муҳим сифат кўрсаткичларининг пасайишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, сиқилиш ва силжишдаги мустаҳкамлик даражаси кўрсаткичи маълум қийматларда ўзгариб, бизнинг иқлим шароитларимизда ишлатилаётган асфальтбетон қопламаларга қўйилган керакли талабга жавоб бермай қолади.

Шунинг учун чўл ва дарё қумларининг асфальтбетон композицияларнинг хоссаларига таъсирини солиштириш таҳлили ва уларни асфальтбетон қопламаларда минерал тўлдиргичлар сифатида ишлатиш мумкинлигини аниқлаш учун биз томондан ишлаб чиқиладиган асфальтбетон композицияларни физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш ишлари бажарилди.

Тадқиқотлар натижасида ГОСТ бўйича талаб этилган 0,7-0,9 МПада силжишга бардошли бўлган асфальтбетон композицияларни олиш учун унинг таркибида битумнинг миқдори 20-25% дан кам бўлмаслиги керак, бу

эса битумнинг кўп сарфланишига олиб келади ҳамда йўллар куришда уларни ишлатиш яроқсиз бўлади.

Шундай қилиб, асфальтбетон йўлларни қоплаш учун юқори сифатли асфальтбетон композицияларни яратиш ва ишлаб чиқиш соҳасида фан ва амалиётдаги замонавий ютуқларни таҳлил қилиш натижасида таклиф қилиндики, ишлаб чиқиладиган асфальтбетон материалларнинг деформацион-силжишга бардошлилигини ошириш мақсадида уларни олишдан аввал уларнинг таркибий қисми бўлган органоминерал ингредиентларни физик-механик-кимёвий ишлов берилишини амалга ошириш керак бўлади.

Турли композицион материаллар яратишда минерал хомашё ресурсларини фаоллаштириш соҳасида физик-кимёвий, механикада органоминерал ингредиентларни механокимёвий фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, минерал хомашёларни механик фаоллаштириш учун ҳозирги вақтда майдалагичлар ишлатилиб, уларда зарбдан қизиб кетиш эффекти содир бўлади. Бироқ, ушбу зарбдан қизиб кетиш эффектига эга майдалашни табиий кумларга қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, уни ишлатиш фақатгина энергия ва меҳнат сарфи нуқтаи назардан эмас, балки асфальтбетон қопламалар учун қовуштирувчи материалларни кўп сарфланишини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эмас.

Биз томондан олиб борилган чўл ва дарё кумларини механик фаоллаштиришга оид кўплаб тадқиқотлар ва тажрибалар шуни кўрсатадики, бундай қурилма сифатида “Фан таракқиёт” ДУК да лойиҳалаштирилиб, т.ф.н. Негматов Н.С. томонидан ишлаб чиқилган дисмембраторли активатор энг яхши қурилма ҳисобланиб, бу қурилма майдалашнинг зарбли-парчалаб-ишқалаш принципига эга.


Тадқиқот натижасида аниқландики, композицияларни сиқилиш ва силжишга мустаҳкамлик даражаси учун ҳамда дисмембраторга юклаш миқдори минутига 3 килограммга тенг, чунки шундай юкланишда кумларнинг янада дисперсланиши ва юқори солиштирма сирти кузатилади.

Дисмембраторли қурилмада табиий ва минерал кумларни механик фаоллаштириш механизми қуйидагича кечади. Зарбли-ишқаланиш режимида ишлов берилганида фаоллаштириш гранулометрик таркибнинг ўзгариши ва янги сиртларнинг пайдо бўлиши ҳисобига содир бўлади.

Деформацион-силжишга бардошли қопламаларни асосий кўрсаткичи уларнинг силжишга ва сиқилишга мустаҳкамлиги эканлигини ҳисобга олган ҳолда, юқорида келтирилган асфальтбетон қопламаларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичларига механик фаоллаштиришнинг таъсири тадқиқ қилинди. Ўз навбатида асфальтбетон қопламаларнинг мустаҳкамлик хоссалари сезиларли равишда гранулометрик таркибга ва минерал кукунсимон материалларнинг солиштирма сиртига боғлиқ бўлади. Шунинг учун кумларни механик фаоллаштирилганида сиқилиш ва силжиш вақтидаги мустаҳкамлик даражасининг уларнинг солиштирма сирти қийматида боғлиқлиги ҳамда асфальтбетон қопламаларни силжиши вақтидаги мустаҳкамлигига механик фаоллаштиришнинг таъсирини текширилди (расм 1).

1-расмдаги эгри чизикнинг йўналишидан кўришиб турибдики (а, б), механик фаоллаштирилган кумлар ишлатилганида заррачасининг солиштирма сирти ошиб борувчи кумлари бўлган асфальтбетон қопламаларида сиқилишга ва силжишида мустаҳкамликнинг ошиб бориши кузатилади. Асфальтбетон композицион материалларни сиқилиши ва силжишидаги мустаҳкамлик қийматининг энг юқори даражада ошиши солиштирма сирт қиймати  $550 \text{ см}^2/\text{г}$  бўлганида кузатилади.

Шундай қилиб, қоплама композицияси таркибига дарё ва чўл кумларининг механик фаоллаштирилган турини қўшиш қоплама материалининг мустаҳкамлигини ошишига имкон беради ҳамда мос равишда автомобил йўллари қоплаш учун ишлаб чиқилган композицияларнинг деформацион-силжишга бардошлилиги ҳам юқори бўлади.



1 – чиноз куми; 2 – жомашуй куми; 3 – ёзьёвон куми; 4 – бўз куми;  
5 – янгиер куми; 6 – чирчиқ куми

**1- расм. Сиқилишда (а) ва силжишда (б) композицион асфальтбетон материалларнинг мустаҳкамлик даражасини табиий кумларни механик фаоллаштирилган заррачаларининг солиштирма сирт қийматига боғлиқлиги**

Диссертациянинг «Сирт фаол моддаларнинг (СФМ) автомобил йўллари қопламалари учун ишлатиладиган композицион асфальтбетон материалларнинг физик-кимёвий ва хусусан деформацион-силжишга бардошли хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш» деб номланган тўртинчи бобида сирт фаол моддалар (СФМ) таснифи ёзилган ва таркибдаги СФМларнинг тури ва миқдорига боғлиқ равишда ишлаб чиқилган композицион асфальтбетон материалларнинг физик-механик ва адгезион хоссалари ўрганилган.

Автомобил йўлларида ишлатиладиган асфальтбетон қопламаларни деформацион-силжишга бардошлилиги ва физик-механик хоссаларини ошириш учун ҳозирги вақтда автомобил йўллари қурувчилари ўзларининг


ташаббусларига кўра СФМ ларга яқин бўлган турли компонентлардан фойдаланишга мажбурдирлар. Бироқ, бу компонентлар етарлича самарали эмас ва композицион йўл-қурилиши материалларининг техник ва технологик хоссаларини оширишни таъминловчи комплекс хоссага ҳам эга эмас.

Биз томондан уларни композицияларнинг хоссасига таъсирини ўрганиш учун СФМ сифатида қовушқоқ оқувчан госсипол смоласи (ГС), модификацияланган кукунсимон госсипол смоласи (МКГС) ва фурфурил спиртининг куб қолдиғи (ФСКК) танланди.

Бунда битумдаги госсипол смола (ГС) ва модификацияланган композицион кукунсимон госсипол смола (МКГС) миқдори 1 дан 10% гача ўзгарди ва йўл учун керакли сифатдаги асфальтбетон композицион материал олинди.

ГС ва МКГС нинг миқдорига кўра асфальтбетон композицион материалнинг сиқилиш ва силжишга мустаҳкамлигини текшириш натижалари 2- расмда келтирилган (а, б).

2- расмдаги эгри чизикларнинг (а, б) кўринишидан маълумки, госсипол смоласини композицияга маълум миқдорларда қўшилиши маълум даражаларда композициянинг сиқилиш ва силжишдаги мустаҳкамлик даражасининг қанчалик яхшиланганлигини таъминлайди.



1-чиноз қуми, 2- ёзьёвон қуми, 3- янгиер қуми, 4- чирчиқ қуми  
 ———МКГС, - - - - ГС

**2- расм. Асфальтбетон композицион материалларнинг сиқилиш ва силжишдаги мустаҳкамлиги битумнинг миқдори композициянинг оғирлик миқдорига кўра 6% бўлганида модификацияланган кукунсимон госсипол смола миқдорига ва қовушқоқ оқувчан госсипол смола миқдорига боғлиқлиги**

Бу эса госсипол смоласининг механик фаоллаштирилган қумлар билан таъсирлашиш жараёнига таъсир қила туриб, композициянинг қовушқоқлигини камайиши ҳисобига механик фаоллаштирилган дисперс системанинг заррачалари орасида таъсирни вужудга келтиради ва битумнинг унинг юзасида ёйилишини яхшилашга олиб келади, ўз навбатида бу ҳолат


ҳосил бўлаётган юпка силлиқ қаватлар орасида фаоллаштирилган кумларнинг боғланишини яхши бўлишига олиб келади. Бу вақтда шунингдек, қопламаларнинг осон жойлашувчанлиги ва осон зичлашувчанлиги ортади.

Шунингдек, асфальтбетон қопламаларнинг мустаҳкамлигини ўзгарувчанлиги қонуниятлари фурфурол спиртининг куб қолдиғини СФМ сифатида композицияда 1 дан 10% гача миқдорда битум бўлганида ҳам кузатилади.

Олинган натижаларга асосан ҳосил бўлган 3-расмдаги (а, б) эгри чизиқларда механик фаоллашган дарё ва чўл кумларини ишлатилганида олинган асфальтбетон қопламаларда СФМ ларнинг оптимал миқдорлари кўшилаётган БНД 40/60 маркали битумга нисбатан 7-10 % деб қабул қилиш керак.

3-расмда битумга турли табиий кумлар кўшишда унинг боғлаб олиш (адгезия) мустаҳкамлигига турли СФМ ларнинг ҳар хил миқдорларда таъсирини тадқиқ этиш натижалари келтирилган.

Битумга СФМ сифатида қовушқоқ оқувчан (а) ва модификацияланган (б) госсипол смоласини (МКГС) 1% дан 10% гача кўшилганида боғланиш мустаҳкамлиги ошиши кузатилади (3-расм).



- 1-1<sup>1</sup>- чиноз куми; 2-2<sup>1</sup> – ёзьёвон куми; 3-3<sup>1</sup>- янгиер куми; 4-4<sup>1</sup>- чирчиқ куми;  
 - - - - фаоллаштирилган табиий кумлар;  
 ——— фаоллаштирилмаган табиий кумлар

**3-расм. Битум композициясини турли табиий кумлар билан тўлдирилганида қовушқоқ оқувчан (а) ва кукунсимон модификацияланган (б) госсипол смоласи (МКГС) асосидаги СФМ миқдорининг битумни боғланиш (адгезия) мустаҳкамлигига боғлиқлиги**

Фаоллаштирилмаган ва механик фаоллаштирилган чиноз, ёзьёвон, янгиер ва чирчиқнинг табиий кумлари кўшилганида адгезион мустаҳкамлиги 34-41% дан 62-67% гача ва 41-56% дан 70-78% гача ошади, механик фаоллаштирилган табиий кумларни кўшилганида адгезион мустаҳкамлиги мос равишларда 43-49 % дан 71-75 % гача ва 50-64% дан 74-85% гача ошади. Демак, механик фаоллаштирилган табиий кумлар билан ҳосил қилинган композициялар иккала ҳолатда ҳам деярли юқори.

Олиб борилган тадқиқот натижалари ва тажрибалардан кўриниб турибдики, фаоллаштирилган ва механик фаоллаштирилмаган табиий кумлар кўшилган битумли композицияга СФМ сифатида қовушқоқ оқувчан госсипол

смоласини (ГС) ва модификацияланган кукунсимон госсипол смоласини (МКГС) кўшилганида уларнинг боғловчанлик мустаҳкамлиги сезиларли ошади. Бу вақтда боғловчанликнинг аниқ ошганлигини модификацияланган кукунсимон госсипол смоласи ва механик фаоллаштирилган табиий кумлар билан ҳосил бўлган битумли композицияда кўриш мумкин.

Шундай қилиб, фурфурил спиртининг куб қолдиғи ва қовушқоқ оқувчан модификацияланган кукунсимон госсипол смоласидан иборат полифункционал сирт фаол ингредиентлар ҳамда механик фаоллаштирилган табиий кумлар асфальтбетонли қопламаларнинг қуйидаги хоссаларини яхшиланишига сабаб бўлади: сиқилишдаги ва силжишдаги мустаҳкамлик даражаси, адгезион мустаҳкамлиги, сув билан тўйинувчанлиги, йўллар сиртларига қопланганида композицияларнинг зичлашишини ва осонгина жойлашишини яхшиловчи, асфальтбетонли композицияларнинг деформацион-силжишга бардошлилигини ошишига сабабчи бўлувчи, композициядаги компонентларнинг физик-кимёвий таъсирлашиши ҳисобига органоминерал композицияларнинг бўкувчанлигининг пасайиши ва ҳ.к.

Диссертациянинг «**Автомобил йўллари қопламалари учун маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан механик кимёвий фаоллаштирилган органоминерал ингредиентлар асосида самарали деформацион-силжишга бардошли композицион асфальтбетон материалларини ишлаб чиқиш ва уларни самарадорлигини ҳисоблаш**» деб номланган бешинчи бобида композицияларнинг оптимал таркиблари, тажриба партиясини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан механик модификацияланган органоминерал ингредиентлардан фойдаланилиб, ишлаб чиқилган деформацион-силжишга бардошли композицион асфальтбетон материаллар ва иккиламчи хомашёлар асосидаги СФМ лар тўлиқ келтирилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг автомобил йўллари бўйича Давлат Қўмитасининг “Фарғона йўллардан мунтазам фойдаланиш” УҚ йўл қурилиши шароитларида қўлланилиши батафсил ёритилган.

Асфальтбетон қопламаларнинг деформацион-силжишга бардошлилигини ва узоқ муддатга яроқлилиги асосан асфальтбетон композицияларни силжишидаги ва сиқилишидаги мустаҳкамлик даражаларига боғлиқ. Уларнинг оптимал таркибларини ишлаб чиқиш мақсадида биз томондан танлаб олинган компонентлар – механик фаоллаштирилган дарё ва чўл кумлари, қовушқоқ оқувчан ва модификацияланган кукунсимон госсипол смолалари (сирт фаол модда сифатида) таъсирлари ҳам ўрганилди. Ушбу органоминерал ингредиентларни композицияларнинг хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш учун биз томондан асфальтбетон композицияларнинг таркибларини қуйидаги нисбатларда аниқланди: Битум БНД 40/60 - 6 мас.к.; шебень - 45 мас.к.; фаоллаштирилмаган кум - 41 мас.к.; минерал кукун - 8 мас.к.; жами – 100 мас.к. Асфальтбетонли композицион материалнинг ушбу таркиби биз томондан шартли равишда – Асб.КМ деб номланди. Тадқиқот натижасида механик фаоллаштирилган табиий кумлар (Асб.КМ) ва модификацияланган

кукунсимон госсипол смола ва битум асосидаги асфальтбетон композицион материаллар силжиш ва сиқилишдаги мустаҳкамликни янада оширади.

Олинган назарий ва амалий тадқиқотларни комплекс таҳлили асосида биз томондан деформацион-силжишга бардошли асфальтбетон композицион материалларнинг бир катор маркалари Асб.КМ-1, Асб.КМ-2, Асб.КМ-3, Асб.КМ-4, Асб.КМ-5 ишлаб чиқилди ва уларнинг таркиблари диссертацияда келтирилган.

1- жадвалда асфальтбетон автомобил йўлларида қоплама сифатида қўлланиш учун таркибига минерал кукун сифатида механик фаоллаштирилган жомашуй чўл куми билан тўлдирилиб ишлаб чиқилган деформацион-силжишга бардошли асфальтбетон композицион материалларни муҳим физик-механик хоссалари келтирилган.

### 1- жадвал

#### Механик фаоллаштирилган жомашуй чўл куми асосида яратилган деформацион-силжишга бардошли асфальтбетон композицион материалларни физик-механик хоссалари

Кўрсаткичлар	Ишлаб чиқилган композициялар Асб.КМ					
	ГОСТ 9128-97	Асб.К М-1	Асб.К М-2	Асб.К М-3	Асб.К М-4	Асб.К М-5
Силжишидаги мустаҳкамлик даражаси, °С ҳароратда, камида: (R <sub>20</sub> ), МПа (R <sub>50</sub> ), МПа	0,272 0,192	1,020 0,668	1,150 0,825	1,420 0,102	1,328 0,938	2,556 1,935
Сиқилишдаги мустаҳкамлик даражаси, МПа ҳарорат °С да, камида: (R <sub>20</sub> ), МПа (R <sub>50</sub> ), МПа	2,200 1,350	3,669 2,572	4,220 2,844	4,590 3,211	4,320 3,102	5,942 3,975
Сув билан тўйинувчанлиги, % хажмда, кўпи билан	10	5,50	5,45	5,30	5,35	5,02
Бўкувчанлиги, % хажмда, кўпи билан	3,0	0,22	0,21	0,20	0,21	0,15
Сувга бардошлилик коэффиенти, камида	0,7-0,8	0,9	0,9	1,1	1,0	1,4
Узоқ вақт сувга турувчанлик коэффиенти, сув билан 15 сутка тўйинганида, камида	0,6-0,7	0,8	0,8	0,9	0,8	1,2
10 маротаба циклда совуққа бардошлилиги коэффиенти 10 циклда музлатилганидан кейин (t = -5 °С) ва музнинг эриши, камида	0,7	0,8	0,8	0,9	0,9	1,1
Ҳарорат +50°С бўлганида 196 соат қиздиришдан кейинги иссиққа бардошлилиги коэффиенти, кўпи билан	2,5	2,3	2,3	2,1	2,2	2,0

